РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НИЯЗОВА ЗЕБИНИСО АНВАРОВНА

КЎЗНИНГ ТЕШИБ КИРГАН ЖАРОҲАТЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ПЛЁНКАЛИ БИОҚОПЛАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ

14.00.08 – Офтальмология
14.00.15 – Патологик анатомия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 617.7-001.4

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ниязова Зебинисо Анваровна
Кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини даволашда плёнкали биоқопламаларнинг қўлланилишини морфологик асослаш..... 3

Ниязова Зебинисо Анваровна
Морфологическое обоснование применения пленочного биопокрытия в лечении проникающих ранений глаз..……..... 25

Niyazova Zebiniso Anvarovna
Morphological substantiation of application of film biocoating in the treatment of penetrating eye injuries..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 51

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НИЯЗОВА ЗЕБИНИСО АНВАРОВНА

КЎЗНИНГ ТЕШИБ КИРГАН ЖАРОҲАТЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ПЛЁНКАЛИ БИОҚОПЛАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ

14.00.08 – Офтальмология
14.00.15 – Патологик анатомия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib556 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	**Бузруков Батир Тулкунович** тиббиёт фанлари доктори, доцент
	Сидиков Акмал Абдикахарович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Билалов Эркин Назимович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Чупров Игорь Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Харьков миллий тиббиёт университети (Украина)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100173, Тошкент шахри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шахри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____ » _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ф. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш.М. Дадамухамедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди

М.Х. Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўзининг кўриш муаммосига бағишланган 1-чи жаҳон ҳисоботида «…ҳозирги кунда ер сайёрасида 2,2 миллиарддан ортиқ инсонлар баъзи турдаги кўриш қобилиятининг бузилишлари билан азият чекиши борасида қайт қилинганлигини кўрсатиб турибди....»[1]. Дунёда 37 млн.кўзи ожизлар ва 124 млн. кўриш қобилияти бузилган беморлар қайт қилинган. Дунёда ҳар беш сонияда катта ёшдаги одам, ҳар дақиқада бир бола кўрликка дучор бўлмоқда. Кўриш билан боғлиқ муаммолар аянчли тарзда ёшлар орасида кўпаймоқда, агар илгари катаракта учун ёш чегараси 60 ёш деб ҳисобланган бўлса, ҳозирда у 40 ёшга тушди. Кўрув аъзосининг жароҳатлари ва оқибатлари ҳозирги пайтда кўрлик ва ногиронликнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини даволашда пленкали биоқопламаларнинг қўлланилишини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда[2]. Шох парданинг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатларини даволаш учун таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи пленкаларни ишлаб чиқиш, in vivo тажриба изланишларида гематологик , биокимёвий ва патоморфологик ўзгаришлари натижаларига асосланиб, кўз шох пардасининг жароҳатдан кейинги регенерация жараёнларига таъсирини ҳамда ишлаб чиқилган қопламанинг маҳаллий ва тизим даражадаги морфологик ўзгаришлар натижалари бўйича кўз шох пардаси регенерация жараёнларига таъсирини баҳолаш натижаларни илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хасталикларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олишнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...ўрта муддатли истиқболда амалга ошириш учун истиқболли бўлган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларининг ички ишланмаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш…»[3] каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини тўғри даволаш ва профилактик услубларини кенг қўллаш тиббиётнинг ҳал қилиниши зарур долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартидаги ПФ-4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-

[1]ЖССТ биринчи бутунжаҳон ҳисоботи, 2019 йил.

[2] Guhan S, Peng S, Janbatian H. et al. Surgical adhesives in ophthalmology : history and current trends. Br J Ophthalmol 2018:1328-1335.

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли «Маҳаллий, шу жумладан, ўсимлик хом ашёсига асосланган янги оригинал дори-дармонларни яратиш ва ишлаб чиқариш тўғрисида»ги қарори.

тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўрув аъзоси шикастланишлари ногиронликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 30,1% ни ташкил этмоқда (Гундорова Р.А. ва бошқ., 2012). Бир қатор тадқиқотларга кўра, кўрув аъзоси замонавий шикастланишларининг катта қисмини (22,4%) кўзнинг ёрдамчи аппарати жароҳатлари ташкил қилмоқда (Гундорова Р.А. ва бошқ., 2007, 2009). Сўнгги ўн йилликларда дунё бўйлаб кўз жароҳатларининг табиати ва тузилиши ўзгарди. Функционал ва эстетик муаммоларга олиб келадиган кенг нуқсонларни шакллантириш билан кечадиган кўзнинг биргаликдаги ва комбинацияланган шикастланишлари устунлик қилади (Катаев М.Г., 2007; Shukla B., Natarajan S., 2005). Муаммонинг долзарблиги, шунингдек, беморлар ва офталможарроҳларнинг жарроҳликдан кейинги чандиқлар ва деформацияларни шаклланиши билан боғлиқдир (Петренко О.В., 2016). Амалий офтальмология эҳтиёжларини қондириш мақсадида, контакт линзалар, имплантлар, шишасимон тананинг ўрнини босувчилар, сунъий кўз гавҳарлари, шох пардалари, глаукома давоси учун дренажлар, вискоэластиклар, сунъий кўз ёши препаратларини яратишда қўлланиладиган синтетик ва табиий полимерлар ишлаб чиқилмоқда. Жароҳат жараёнининг фазасини ҳисобга олган ҳолда янада самарали тикланиши ва регенерацияга олиб келувчи биомутаносиб материалларга катта эътибор қаратилмоқда. Винник Ю. С. ҳаммуаллифлар билан (2015) замонавий жароҳат қопламаларининг (ЖҚ) асосий турлари, уларнинг хусусиятлари, кўрсатмалари ва қўллаш усулларини ўрганиб чиқдилар. Келиб чиқишига қараб ЖҚ шартли равишда синтетик, табиий ва комбинацияланган турларга бўлинади. Табиий препаратлар кўпинча одам ва ҳайвон териси компонентлари, амниотик мембраналар ва бошқалардан ташкил топади. Клиник амалиётда 3000 дан ортиқ жароҳат қопламалари қўлланилади. Тайёрланиш шакли ва усулига кўра ЖҚ қуйидагиларга бўлинади: губкалар, гель ҳосил қилувчи қопламалар, пленкали қопламалар, композицияни аэрозоль шаклида пуркаш пайтида ҳосил бўладиган қопламалар, комбинацияланган қопламалар (Минченко А. Н., 2003). Тешиб ўтган жароҳатларнинг полимер бирикмалар ёрдамида физиологик асосланган ёпилиши предмет кўришнинг сақланишини кафолатлайди, аммо баъзи ҳолларда йирингли яллиғланиш асоратлари ривожланишига тўсқинлик қилмайди (В.В. Волков ва бошқ., 2009). Йирингли асоратларнинг олдини олиш учун микробга қарши фаоллиги бўлган ЖҚ синтезланган (Каскаев А. В., Черданцев Д.В., Большаков И.Н., 2011). Краснов М.С. ва ҳаммуаллифлар

(2003), Margasyuk D.V., Krasnov M.S., Blagodatskikh I.V. ва бошқ. (2007), Yamskova V.P., Krasnov M.S., Rybakova E.Yu. ва бошқ. (2007) томонидан, синтетик полимерлар асосидаги гидрогеллар дифференциация, ҳужайралар пролиферацияси ва тўқима регенерацияси учун шароитлар мавжуд эмаслиги туфайли тирик организм тўқималари томонидан рад этилиши аниқланган. Табиий полимерлар асосидаги гидрогелларнинг биодеградацияга бўлган қобилияти баъзи ҳолларда уларнинг камчилиги ҳисобланади, чунки организмдаги гидрогелларнинг жуда тез деградацияси даволовчи воситалар чиқаришнинг юқори тезлигига олиб келади. Шу сабабли асосий биологик жараёнларнинг кечиши ва йўналишига таъсир кўрсатувчи, тўқималарга салбий таъсир кўрсатмайдиган ва яққол намоён бўлган антибактериал хусусиятларга эга табиий бирикмалар олимларнинг диққатини жалб қилмоқда.

Ўзбекистонда кўрув аъзоси жароҳатларини эрта ташҳислаш ва даволашда қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Камилов Х.М., 2019; Бахритдинова Ф.А., 2019; Билалов Э.Н., 2020; Мухамадиев Р.О., 2015; Юсупов А.Ф., 2018; Каримова М.Х., 2020), бироқ, кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини даволашда пленкали биоқопламаларнинг қўлланилиши такомиллаштирилмаган.

Шундай қилиб, ушбу масала бўйича кенг маълумот бугунги кунга келиб кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволаш учун барьер хусусиятларга эга пленкали қопламалар ишлаб чиқилмаганидан далолат беради. Мавжуд имплантатлар дори воситаларининг узоқ муддатли чиқарилишига ва биологик ўзлаштирилишини оширишга қаратилган. Шу муносабат билан, юқори даражадаги хавфсизлик билан ажралиб турадиган янги самарали дори-дармонларни ишлаб чиқиш замонавий офтальмологиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Ҳужайра адгезияси, тарқалиши, дифференциацияси ва морфогенези жараёнларини бошқарувчи биорегуляторларни излаш ва ўрганиш Ўзбекистонда замонавий тиббиёт ва биология фанининг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Маҳаллий олимлар томонидан поликомпозицион полимер материал асосида офтальмологик «Novacel Ziyo» плёнканинг оптимал таркиби ва хусусиятлари концепцияси ишлаб чиқилган. Пленка учун биомутаносиблик, биоэрувчанлик, юқори сорбцион фаоллик, сув парлари учун ўтказувчанлик, эластиклик, мустаҳкамлик, антимикроб хусусиятларга эгалиги, цитотоксик, пироген ва токсик таъсир мавжуд эмаслиги хосдир. Ўзбекистонда илгари бу каби тадқиқотлар ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ № 001429 «Шох парда ва склеранинг тешиб ўтган жароҳатларида пленкали биоқопламаларнинг қўлланилишини экспериментал асослаш» ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг ПЗ-2017092910 «Юмшоқ тўқималар ва терининг турли генезли жароҳатланишини даволаш учун ярим ўтказувчи ва биодеградацияланувчи жароҳат қопламаларини яратиш» давлат илмий-техник амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Novacel Ziyo» таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкасини ишлаб чиқиш ва тажрибада кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволашда хавфсизлиги, регенератор ва микробга қарши самарадорлигини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар тақдим этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шох парданинг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатларини тажрибада даволаш учун мўлжалланган таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкасини (МКПБКДП) ишлаб чиқиш;

in vivo тажриба изланишларида гематологик ва биокимёвий ўзгаришлар натижаларига асосланиб, кўз шох пардасининг жароҳатдан кейинги регенерация жараёнларига МКПБКДП нинг таъсирини баҳолаш;

ишлаб чиқилган МКПБКДПнинг маҳаллий ва тизим даражадаги морфологик ўзгаришлар натижалари бўйича кўз шох пардаси регенерация жараёнларига таъсирини баҳолаш;

in vitro скрининг тадқиқотлари натижалари асосида пленканинг специфик микробга қарши фаоллигини аниқлаш ва яллиғланиш даражаси кўрсаткичларига асосланиб кўзнинг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатининг тажриба моделида унинг даво самарадорлигини баҳолаш;

шох парданинг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатларини тажрибада даволашда ўрганилаётган МКПБКДПнинг тиббий-биологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мезонларини белгилаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўткир, субхроник заҳарлилик ва специфик фаоллигини баҳолаш учун 72 та чизиқсиз жинсий етук бўлган 122-140 гр вазнли оқ каламушлар, дастлабки вазни 2,5 дан 3,0 кг ни ташкил қилган 84 та Шиншилла зотига мансуб бўлган қуёнлар регенератив ва микробга қарши фаоллигини ҳамда 12 та қуёнлар МКПБКДП нинг кўз ва шиллиқ қаватларга маҳаллий-шикастлантирувчи таъсирини баҳолаш учун танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб «Novacel Ziyo» МКПБКДПни қўллаган ҳолда кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволаш натижалари, қоннинг клиник-лаборатор текширувлари кўрсаткичлари, тажриба ҳайвонларининг клиник-функционал параметрлари ва кўз тўқималарининг гистоморфологик тузилиши материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини патоморфологик ва клиник натижаларини яхшилаш мақсадида экспериментал, токсикологик, клиник-лаборатор, клиник-функционал, микробиологик, гистоморфологик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий бўлган таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкаси ишлаб чиқилган;

метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкасининг регенератор ва микробга қарши хусусиятлари асосланган;

тажрибада кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволаш учун мўлжалланган, маҳаллий пленканинг кўриш фаолиятини тиклашдаги регенератор самарадорлиги исботланган;

кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларида оригинал бўлган таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкасининг қўлланилиши шох парда ва остидаги тўқималар морфологик структураси тикланиш муддатини қисқартириши исботланган;

метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкаси маҳаллий зараралаш, аллергик ва токсик хусусиятларга эга эмаслиги ҳамда кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

офтальможарроҳлик учун ишлаб чиқилган кўз доривор пленкаси таклиф этилган;

маҳаллий офтальмологик қопламанинг клиник тадқиқотлар ўтказилишига тавсия қилиниши учун илмий асос бўлган даво самарадорлигига эгалиги, умумий токсик, маҳаллий зараралаш ва аллерген хусусиятлари мавжуд эмаслиги тажрибида баҳоланган;

жароҳатлардан кейинги асоратларнинг камайишига ва даво самарадорлигини оширишга қаратилган тиббиётда қўлланилиш учун ишлаб чиқилган қоплама ёрдамида кўз жароҳатларида бирламчи жарроҳлик амалиётини ўтказиш тактикаси такомиллаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонларининг сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи экспериментал, токсикологик, клиник-лаборатор, клиник-функционал, микробиологик, гистоморфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини даволашда пленкали биоқопламаларнинг қўлланилишини морфологик асослашни такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий ва тизим даражасида биокимёвий, офтальмологик ва патоморфологик ўзгаришлар асосида, таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи полимер қопламасининг микробга қарши ва регенератор фаоллиги исботлангани билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тажрибада шох парданинг тешиб ўтган жароҳатларини даволашда таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион кўз қопламаси қўлланилганда лаборатор ҳайвонларнинг организмига умумий заҳарловчи, маҳаллий-шикастлантирувчи, аллерген таъсирларининг йўқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволашда таркибида метилен кўки сақлаган полифункционал биофаол қопламанинг терапевтик самарадорлиги ва клиникадан олдинги баҳолашда тиббий-биологик хавфсизлиги бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Маҳаллий пленкали биоқопламанинг қўлланилиши билан кўзнинг жароҳатларини даволаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 8н-д/561 маълумотномаси). Ушбу тавсиянома маҳаллий хом ашёдан тайёрланган биоқопламаларни қўллаш натижасида кўз жароҳатларини даволаш самарадорлигини оширишга имкон берган;

«Офтальмологик биоқопламанинг микробга қарши сезувчанлигини диск-диффузион йўли билан аниқлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 8н-д/562 маълумотномаси). Ушбу тавсиянома офтальмологик биоқопламанинг микробга қарши сезувчанлигини диск-диффузион йўли билан баҳолаш ва самарали даволаш тактикасини танлаш имконини берган;

тажрибада кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини даволашда пленкали биоқопламаларнинг қўлланилишини морфологик асослашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари , жумладан, «Novacel Ziyo» биофаол офтальмологик қопламанинг қўлланилиш йўли билан даволаш асосида олинган натижалар, Тошкент фармацевтика институтининг илмий-тадқиқот лабораторияси фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 8н-з/68-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг жорий қилиниши касалликни даволаш самарадорлигини ошириш, даволаниш ва вақтинчалик ишга лаёқатсизлик муддатини ҳамда ташриҳдан сўнгги асоратларни қисқартириш, шунингдек, кўрув аъзосининг жароҳатларини даволаш учун маблағларни камайтиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шулардан, 15 та мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 11 таси нуфузли ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва

технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўрув аъзоси жароҳатларини даволашнинг долзарб муаммолари»** деб номланган биринчи бобида офтальмологияда дори шаклларини яратишда замонавий нанотехнологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммоларининг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларини ёритиб берган хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг мушоҳадаси баён этилган. Ҳозирги кунга келиб, кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволаш учун барьер хусусиятларга эга бўлган пленкали қопламалар ишлаб чиқарилмаганлиги тўғрисидаги асосли илмий-амалий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкаси экспериментал тадқиқотлари материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 122-140 гр вазнли 72 та чизиқсиз жинсий етук оқ каламушлар ва 2,5-3 кг вазнли шиншилла зотига мансуб 84 та қуёнлар тадқиқотнинг материал ва усуллари сифатида келтирилган.

Тажриба ҳайвонлари Тошкент тиббиёт академиясининг (ТТА) олий ўқув юртлараро илмий-тадқиқот лабораторияси (ОЎЮИТЛ) «Тажриба ҳайвонлари билан ишлаш қоидалари» (European Communities Council Directives of 24 November 1986, 86/609/EEC) халқаро конвенцияси қоидаларига риоя қилган ҳолда стандарт рационда виварий шароитида сақланган. 2-ҳафталик карантиндан сўнг оқ каламушлар ва қуёнлар диққат билан текширилиб, ташқи кўриниши, ҳаракати фаоллиги ва рефлексларга реакцияси кўздан кечирилди.

Ишлаб чиқилган «Novacel Ziyo» микробга қарши хусусиятга эга полифункционал биофаол қопламани қўллаган ҳолда лаборатор ҳайвонларида тажриба тадқиқотларини ўтказиш учун ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг этика масалалари бўйича қўмитасидан рухсат олинган (2018 йил 5 июлдаги 5-сонли баённома).

Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) Олий ўқув юртлараро илмий-тадқиқот лабораториясининг (ОЎЮИТЛ) фармако-токсикологик, биологик, иммунологик ва электрон микроскопия билан ҳужайра технологиялари бўлимларида ўтказилган. In vivo ва in vitro тажриба тадқиқотларида қопламанинг талабнома топширилган қуйидаги хусусиятлари ўрганилди: шох парда инфекцияланган жароҳатларининг битиш муддати қисқариши, кўрув аъзоси жароҳатларини жарроҳлик йўли билан даволашда эпителий тикланиши ва шох парда юзаки қаватларининг регенерацияси.

Ўрганилаётган кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволаш учун мўлжалланган «Novacel Ziyo» микробга қарши хусусиятга эга бўлган полифункционал биофаол қопламаси ЎзФА полимерлар кимёси ва физикаси институтида профессор А.А. Саримсаков раҳбарлигида ишлаб чиқилган.

Ушбу дори шакли таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи полимер пленка бўлиб, таркибида натрий

карбоксиметилцеллюлоза (тозаланган целлюлозогликоль кислотаси натрий тузи, CMC, Sodium Carboxyl methyl cellulose) TSh бўйича 39,3-268-2%, 0,001% тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган метилен кўки, тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган глицерин-1,0%, ГОСТ 6709 бўйича дистилланган сув-қолгани. (Патент ЎзР. № FAP 01540 «Экспериментда инфекцияланган жароҳатларни даволаш учун мўлжалланган кўз доривор қопламаси» 11.09.2020 й.).

«Novacel Ziyo» МКПБКДПнинг тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш мақсадида қуйидагилар ўрганилган: ўткир заҳарлилиги, цитотоксиклиги, маҳаллий-шикастлантирувчи ва тери-резорбтив таъсири, пленканинг мутаген ва иммунологик фаоллиги. Гистоморфологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, пленкали биоқопламанинг in vivo жароҳатларни даволаш специфик хусусияти, in vitro микробга қарши фаоллиги ҳамда даво самарадорлиги ўрганилган, шунингдек, МКПБКДПнинг тери-шикастлантирувчи, тери-резорбтив таъсири ва даво самарадорлигини баҳоланган.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик (M), ўртача стандарт оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий катталиклар (учраши,%)ларни ҳисоблаш орқали статистик анализ амалий дастурлар пакетидан фойдаланилган ҳолда статистик қайта ишланиши амалга оширилган. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун $P<0,05$ далилийлик даражаси қабул қилинган.

Диссертациянинг **«Тажрибада кўзнинг тешиб ўтган жароҳатларини даволашда «Novacel Ziyo» таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи кўз доривор пленкаси тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш натижалари»** номли учинчи бобида in vivo тадқиқотларида «Novacel Ziyo» таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи полимер пленканинг заҳарлилигини баҳолаш натижалари келтирилган.

Ўткир заҳарлилигини ўрганиш бўйича тажрибалар натижаларига кўра, 1000, 2000, 3000, 5000 ва 7500 мг/кг дозаларда пленка эритмасини 36 та оқ каламушларга бир марталик меъда ичи йўли билан юборилганда тажриба ҳайвонларида ўлим чақирмаган ва организмга салбий таъсир кўрсатмаган. Тажриба ҳайвонларининг ўлими кузатилмагани туфайли ўртача ўлим дозасини (LD_{50}) аниқлаш имкони бўлмаган. Максимал доза 7500 мг/кг интоксикация белгиларини келтириб чиқармаган, демак, ўткир заҳарлилиги параметрларига кўра, ўрганилаётган кўрув аъзосининг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатларини даволаш учун мўлжалланган «Novacel Ziyo» МКПБКДП V-синф – деярли заҳарли бўлмаган модда ҳисобланади.

Сурункали заҳарлилигини текшириш бўйича тадқиқотлар натижалари. ДСт ISO 10993-5-2011 га кўра, контакт давомийлиги бўйича биоқоплама B– тоифаси-контакт 24 соатдан кўп, аммо 30 кундан кўп бўлмаган узоқ муддатли бир марталик қўлланилиш учун мўлжалланган маҳсулот. Буни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотларимиз давомийлиги 30 суткани ташкил этди. Сурункали заҳарлилиги 150-180 гр вазнли 24 та оқ каламушларда пленканинг сувли эритмалари 30-кунлик per os юборилиб ўрганилган. Тажриба ҳайвонлари ҳар бир гуруҳда 6 тадан 3 тажриба ва 1 назорат гуруҳларига бўлинган. 1-гуруҳ

каламушларига пленка эритмалари 10 мг/кг дозада, 2-гуруҳ – 100 мг//кг ва 3 - гуруҳга - 200 мг/кг дозада юборилган, назорат гуруҳи ҳайвонларига эквивалент ҳажмда дистилланган сув юборилган.

Гематология кўрсаткичлари таркибининг динамикасини ўрганиш натижалари, тажриба ҳайвонларида гемоглобин, эритроцитлар, лейкоцитлар, эозинофиллар, лимфоцитлар, гранулоцитлар сони, гематокрит, эритроцитда гемоглобиннинг ўртача концентрацияси, эритроцитлар тақсимланишининг нисбий кенглиги, абсолют сонларда тромбоцитлар, тромбоцитлар гетерогенлиги, тромбоцитлар ўртача ҳажми, тромбокрит, лимфоцитлар ва моноцитлар, базофиллар ва эозинофиллар аралашмаси абсолют таркиби, ЭЧТ назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан бир хил даражада эканлигини кўрсатди, яъни, оқ каламушлар қонининг гематологик кўрсаткичларида тадқиқотлар мобайнида нормада ва кузатув гуруҳларида статистик аҳамиятга эга оғишлар ($P > 0,05$) кузатилмади.

Шундай қилиб, гематология кўрсаткичлари текширувларининг натижалари, кўзнинг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатларини даволаш учун ўрганилаётган пленка эритмалари тажриба ҳайвонлари периферик қонининг шаклли элементлари таркибига салбий таъсир кўрсатмаслигини тасдиқлайди.

Биокимёвий тадқиқотлар натижаларининг таҳлили назорат гуруҳидаги АЛТ таркибининг 60,06±2,22 б/л кўрсаткичларига таққослаганда 62,71±3,63 ни, АСТ назорат гуруҳида 94,8±9,03 бўлган ҳолда 89,83±5,26 ни, ишқорли фосфатаза 301,92±27,85 (назорат гуруҳида 291,0±34,84), умумий оқсил 85,45±5,45 г/л (назорат кўрсаткичлари 82,42 ±4,18), альбумин 38,33±2,53 (г/л) (назорат 37,01±1,36), холестерин 85,85±3,92 мг/дл (назорат гуруҳида 96,25±6,54), глюкоза 4,67±0,47 ммоль/л (назорат гуруҳида 4,31±0,22) ни ташкил этди. 100 (2 гуруҳ) ва 200 мг/кг (3 гуруҳ) дозалар таъсирида, шунингдек, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли фарқ аниқланмади.

Бундан келиб чиқиб, биофаол қоплама эритмаларининг 30 кун мобайнида 10,100 ва 200 мг/кг дозаларда меъда ичига юборилиши тажриба ҳайвонларининг биокимёвий кўрсаткичларига таъсир кўрсатмади. Олинган натижалар, ўрганилган кўзнинг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатларини даволаш учун мўлжалланган пленкалар эритмалари, тажриба ҳайвонлари қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслигини таъкидлашга имкон беради.

«Novacel Ziyo» МКПБКДПнинг тери-шикастлантирувчи ва тери-резорбтив таъсирини баҳолаш. Ўрганилаётган пленканинг маҳаллий – шикастлантирувчи таъсири қуйидаги бир–бирини тўлдирувчи 3 хил усулларни қўллаш натижаларига қараб баҳоланди: икки томчили ва аппликацион синовлар, думнинг 2/3 қисмини пленка эритмаси қуйилган пробиркага солган ҳолда. Тадқиқотлар учун пленка эритмасининг сурункали заҳарлилигини текшириш тажрибаси учун максимал тоқат қилиш мумкин 200 мг/кг бўлган концентрацияли пленка эритмасидан фойдаланилди.

Терига 70%-ли спирт билан ишлов берилгандан сўнг, тажриба гуруҳидаги ҳайвонларга пленка эритмаси, назорат гуруҳининг каламушларига эса 2 томчидан дистилланган сув юборилди. Тажриба гуруҳидаги каламушларни тажрибанинг дастлабки 20 дақиқаси мобайнида кузатиш натижасида дарҳол келиб чиққан реакция аниқланмади. Пленка эритмаси томизилган соҳада эритема, шиш, папулалар ва пуфакли элементлар аниқланмади. 48 соат мобайнида ўтказилган кузатув натижасида кечиктирилган реакция белгилари кузатилмади. Томчили синов натижалари 200 мг/кг концентрациядаги биофаол пленка сенсибилизацияловчи хусусиятга эга эмас деб таъкидлашга имкон беради.

Икки томчили синов натижаларини тасдиқлаш мақсадида аппликацион синов қўлланилган. Пленка эритмасининг аппликацияси ҳар куни очиқ усул билан орқа томоннинг қирилган терисида ўтказилган. Тери реакциясини аппликация соҳасида ҳар куни 24-48 соат мобайнида тери синовларини баҳолаш шкаласи бўйича ҳисобга олинган. Тажрибалар натижаларига асосан кузатув жараёнида орқа томонининг тери қатламларида зарарланиш белгилари кузатилмади, бу тери-зарарловчи таъсир йўқлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ўрганилаётган пленка эритмасининг 200 мг/кг дозадаги тери аппликациясидан сўнг модда суртилган соҳада бел қисми терисининг ўраб турган тўқимасига зарарловчи таъсир аниқланмаган.

Кўз ва шиллиқ қаватларга маҳаллий-шикастлантирувчи таъсири 12 қуёнларда ўрганилди. Тажриба ҳайвонлари 2 гуруҳга тақсимланган: ҳар бирида 6 та тажриба ҳайвонларидан таркиб топган тажриба ва назорат гуруҳлари. Текширув ўрганилаётган пленка эритмасини 1 томчи ҳажмида қуёнларнинг ўнг кўз олмаси ва шиллиқ қаватларнинг ўтиш соҳасига кўз пипеткаси билан конъюнктивал синов ёрдамида субконъюктивал юбориш орқали ўтказилган. Модда юборилгандан сўнг 1 дақиқа мобайнида кўзнинг ички бурчаги олдида кўз ёш-бурун канали босилиб турилган. Чап кўз назорат гуруҳида бўлиб, 1 томчи дистилланган сув юборилган. Маҳаллий-шикастлантирувчи таъсирни баҳолаш визуал амалга оширилган. Реакция 15 дақиқадан сўнг (тезкор реакция) ва 24-48 соатдан сўнг (гиперсезувчанлик) секинлашган тури ҳисобга олинган ва шкала бўйича баҳоланган (балларда).

14 сутка кузатув мобайнида кўз шиллиқ қаватлар томонидан аллергик таъсир белгилари кузатилмаган, бу пленка эритмасига нисбатан сенсибилизация йўқлигидан далолат беради. Бутун кузатув даврида тажриба ҳайвонларининг ҳолати меъёрдан четга чиқмаган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 200 мг/кг дозада ўрганилаётган пленка эритмаси кўзнинг шиллиқ қаватларига шикастлантирувчи таъсирга эга эмас.

In vitro тажрибасида кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини даволаш учун мўлжалланган пленканинг мутаген фаоллигини ўрганиш. Соғлом одамнинг қон лимфоцитлари ҳужайралар культураси таъсирида мутаген фаоллигини намоён қилиш учун пленка эритмасини ўрганилганда, 2,0 мг/10^6 ҳужайрадан 72 соат давомида эритма таъсирида хромосомал аберрациялар сони аниқланди. Ҳаммаси бўлиб донорлар қонининг 2 хил намунасидан фойдаланилди.

«Novacel Ziyo» МКПБКДПнинг эритмаси 2,0 мг/10^6 дозада 72 соат давомида таъсир қилинганда одамнинг периферик қонидан олинган лимфоцитларнинг ўрганилган намуналарида хромосамалар аберрацияларининг ўртача миқдори 1,0±0,5% ни, назорат кўрсаткичларда 1,0±0,5% ни ташкил этди. Адабиёт маълумотларига кўра, инсон лимфоцитларида ўртача хромосомалар аберрациялари сони 2-4% ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, кўрув аъзосининг тешиб ўтган инфекцияланган жароҳатларини даволаш учун мўлжалланган «Novacel Ziyo» МКПБКДПнинг эритмаси 72 соат давомида 2,0 мг/10^6 дозада одам лимфоцитлари ҳужайралари культурасида текширилганда цитотоксик фаоллиги аниқланмаган.

«Novacel Ziyo» МКПБКДПнинг иммунологик фаоллигини in vivo тажрибасида ўрганиш. Тадқиқотларда МКПБКДПнинг иммунологик фаоллик каби биологик хавфсизликнинг муҳим кўрсаткичи баҳоланган. G ва M синфларининг иммуноглобулинлари «Novacel Ziyo» эритмасининг 200 мг/кг дозадаги таъсиридан сўнг 6 оқ каламушлар қон зардоби намуналарида аниқланган. Пленка эритмасининг иммунологик фаоллигини ўрганиш учун 200 мг/кг дозасида пленка эритмасининг таъсиридан сўнг 6 та оқ каламушлардан ташкил топган асосий гуруҳ ва пленка эритмасининг таъсирисиз 6 та оқ каламушлардан ташкил топган назорат гуруҳи қон зардобининг намуналаридан фойдаланилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари 200 мг/кг дозадаги таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи полимер пленкаси эритмаси 30 кун давомида каламушлар қон зардобидаги IgG ва IgM таркибига деярли таъсир кўрсатмаслигини тасдиқлади. Иммуноглобулинлар кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмади.

Бинобарин, тажрибалар натижалари офтальмологик пленка эритмаси экспериментал ҳайвонларнинг иммунологик тизимига супрессия ёки гиперактивация кўринишида салбий таъсири йўқлигини кўрсатади.

«Novacel Ziyo» МКПБКДПнинг микробга қарши фаоллиги бўйича синов, ЎзР ССВнинг ЭМЮКИТИ дан олинган қуйидаги шартли-патоген микроорганизмлар музей штаммларининг сезувчанлигини аниқлашнинг диско-диффузион усули билан ўтказилган: Staphylococcus aureus (MRSA) штамми, *Escherichia coli* (№4777) грамманфий бактериялар штаммлари, *Staphylococcus epidermidis* (№МЗ-87) граммусбат бактериялари штаммлари ва Candida *C. albicans* (№723) замбуруғлар штаммлари (1:1:1:1 нисбатда 2x10^7 КОЕ/мл концентрацияда). Усул принципи таркибида метилен кўки сақлаган пленканинг озуқа муҳитга кириб бориши ва бактериялар ўсишини тўхтатиш хусусиятига асосланган.

Биоқопламанинг специфик микробга қарши фаоллиги Hanna, J.E. O'Brien (1960) усули модификациясида 78 қуёнлар кўзи шох пардасининг бирламчи тешиб ўтган жароҳатлари моделида ўрганилган. Жароҳат соҳасида кўзга чоклар қўйилганидан сўнг, механик пипет-дозатор ёрдамида 200 мкл патоген штаммлар миксининг суспензияси юборилган.

Тадқиқотлар динамикада 1,3,5,7,14 ва 21-кунларида олиб борилди. In vitro тадқиқотларига кўра, pH муҳит 7,2-7,6 да Сабуро муҳитида пленкали полимер қопламанинг таъсири Candida C.albicans ўсишини тўхтатиш зонаси шаклланишига олиб келганлиги аниқланди. Шундай қилиб, 1 кундан сўнг Сабуро муҳитида сутсимон рангдаги четлари теккис S-шаклсимон бўртиб чиққан колониялар ҳосил бўлди. 2- тажриба-назорат гуруҳда 1 кундан сўнг колониялар миқдори 10^6, 3- асл-назорат гуруҳда 10^4 ни ташкил қилди. 3 суткага бориб 3-гуруҳда колониялар миқдори стабил -10^4, 2-гуруҳда эса, аксинча, 10^5 гача ўсиш кузатилди. 5 кунда 3-гуруҳида колониялар миқдори 10^2 ни ташкил этди, яъни 1 суткага нисбатан 2 марта камайди, 2- гуруҳида ўзгаришсиз-10^6. 7 кунда 3- гуруҳида Сабуро муҳити тоза, 2- гуруҳида колониялар миқдори дастлабки кўринишда (10^6). 3-гуруҳдаги колониялар миқдори камайиш динамикаси МКПБКДП томонидан келтириб чиқарилган узоқ давомли бактериостатик таъсирдан далолат беради.

Гўштли-пептонли агар ва қонли агарда микробга қарши самарадорлигини ўрганиш ҳамда МКПБКДПнинг таъсир давомийлиги билан колониялар ўсиши ўзаро боғлиқлигини баҳолаш гўштли –пептонли агарда стафилококклар ўсишини тўхтатиш зоналари шаклланган тасдиқлаган. 3-гуруҳда тажрибаларнинг 1- кунида 78 колонияларнинг ўртача диаметри 0,67± 1,19 мм, 3- кунда 0,69±0,7, 5- кунида 0,59±0,6, 7- кунида 0,58±0,5 мм ташкил қилди. Бунда 5 -кунида колониялар миқдори 1-кунида нисбатан 1,13 марта, 7-кунида 1,15 марта камайган.

Ўртача статистик самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш орқали биофаол пленканинг ўртача таъсир доираси ҳисоблаб чиқилган. Staphylococcus aureus лизис-зонаси диаметри бўйича гўштли-пептонли агарда дифференциацияни ўрганиш лизис-зона диаметри 1 кунидан сўнг 2,4±1,17 мм, 3 кунда 3,5±1,27, 5 кунда 4,8±1,23 мм ни ташкил этганини, яъни 5 кунга бориб лизис соҳаси 1-кунга нисбатан 2 марта ортганини кўрсатди. Ушбу ҳолат биопленканинг Staphylococcus aureus га нисбатан узоқ давомли бактерицид хусусиятидан далолат беради.

In vitro тадқиқотлари натижаларига кўра, МКПБКДПнинг қонли агарда таъсирида стафилококклар ўсишини тўхтатиш зоналари шаклланиши тасдиқланган. 3-гуруҳда тажрибаларнинг 1-суткасида 78 та колониянинг ўртача диаметри 0,67 ± 0,7 мм, 3-кунда 0,69 ± 0,7 мм, 5-кунда 0,59 ± 0,6 мм, 7-кунда 0,58 ± 0,5 мм ташкил этди. Бунда 5 кунда колониялар миқдори 1 суткага нисбатан 1,13 марта камайган, 7 кунда 1,15 марта камайган, бундан келиб чиқиб, биоқопламанинг узоқ муддатли бактериостатик таъсири изоҳланади.

Хулоса. In vitro тадқиқотлари натижалари кўзнинг инфекцияланган тешиб ўтган жароҳатларини даволашда маҳаллий офтальмологик МКПБКДПнинг специфик микробга қарши фаоллигини тасдиқлайди.

Дори воситалари абсорбциядан сўнг шох парда орқали кўз тўқималарига етиб бориши ва шох парда жароҳатланганидан сўнг сўрилиш кучайишини эътиборга олган ҳолда, экспериментал ҳайвонларнинг кўзлари шох пардасининг инфекцияланган жароҳатининг посттравматик регенерацияси динамикасида қуёнларнинг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларига «Novacel Ziyo» кўз қопламасининг тизимли таъсирини ўрганиш бўйича

тадқиқотларни ўтказдик. МКПБКДП 1- назорат гуруҳи қуёнларининг соғлом кўзларига қўйилган.

Гематологик тадқиқотлар натижалари тажрибаларнинг барча муддатларида гемоглобин таркиби 2 ва 3-тажриба гуруҳларида назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан фарқ қилмаганини аниқлашга имкон берди. 1 кундан сўнг 2-гуруҳда эритроцитлар миқдори 3-гуруҳ кўрсаткичларига ($P<0,05$) нисбатан 4,2±0,15 г/л гача далилий пасайган. Минимал қийматлар 7-чи куни қайд этилди (3,6±0,12 г/л, $P<0,001$). 14 –кундан бошлаб эритроцитлар таркиби назорат гуруҳининг тажрибалар бошланишидаги кўрсаткичларига етган. 3 кундан кейин 3- гуруҳи қуёнларининг эритроцитлар таркиби 2–гуруҳига нисбатан ($P<0,05$) далилий юқорироқ бўлган. Кўрсаткичларнинг максимал қийматлари 7 кунида (5,0±0,21, $P<0,001$) аниқланган. Таёқча ядроли нейтрофиллар миқдори иккала тажриба гуруҳларида 1-кундан кейин далилий ($P<0,001$) ортган. 5 суткага бориб даволанган гуруҳдаги кўрсаткичлар (3,0±0,14%) назорат гуруҳи қийматларигача пасайган, 2-даволанмаган тажриба гуруҳида эса кўрсаткич тикланиши 21 кунда кузатилган (3,8±0,16, $P<0,001$). «Novacel Ziyo» таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи полимер пленкаси тизимли қон оқимига тушиб, конъюнктивал томирлар рангдор парда қон томирлари орқали ёки бурун-кўз ёш йўлидан бурун тешигига, бурун шиллиқ қавати орқали қон оқимига сўрилиб тизимли таъсир кўрсатиши ҳисобга олиниб, биокимёвий кўрсаткичларнинг текширувлари ўтказилди: АЛТ, АСТ, умумий билирубин, ишқорли фосфатаза, умумий оқсил, мочевина ва креатинин таркиби. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари 3-расмда умумлаштирилган. Маълумотлар таҳлили 2-гуруҳ қуёнларининг АЛТ ва АСТ таркиби назорат гуруҳга нисбатан 1 кундан сўнг 56,6±1,9 ва 51,6±1,7 бир/л гача далилий кўтарилганини ($P<0,01$) аниқлашга имкон берди. АЛТ нинг (73,5±2,8 бир/л) ва АСТ (88,5±3,1) максимал қийматлари 7 кунда аниқланган, статистик далилий пасайиши эса 14 суткага бориб кузатилган ($P<0,001$). 3-гуруҳда ўрганилган ферментларнинг қийматлари назорат гуруҳ ва 2-гуруҳга нисбатан 5 кундан бошлаб пасайиб борган. Худди шундай тенденция бошқа ўрганилган биокимёвий кўрсаткичларга нисбатан ҳам кузатилган.

Периферик қон ва қон зардобининг текширув натижалари 2- гуруҳ қуёнларида барча ўрганилган кўрсаткичлар назорат ва 3-гуруҳдаги ҳайвонларга қараганда анча юқорилигини далилий кўрсатди. 3-гуруҳ қуёнларининг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлари 5-кундан бошлаб бошланғич кўрсаткичларгача тикланди, 2- гуруҳда эса назорат ва референс қийматларга 14 кунда етди, бу кўз шох пардасининг экспериментал инфекцияланган тешиб ўтган жароҳатларини даволашда «Novacel Ziyo» МКПБКДП қўлланилиши даво самарадорлигини оширишини тасдиқлайди. Ўрганилган пленка кўз олмасининг жароҳатланмаган юзасига салбий таъсир кўрсатмайди.

Диссертациянинг **«Novacel Ziyo» таркибида метилен кўки сақлаган поликомпозицион биодеградацияланувчи полимер пленкасининг даво самарадорлигини баҳолаш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида кўз

ва унинг ёндош аъзоларини ташқи текшириш ҳамда 13,0 Д лупаси ёрдамида фокал ёруғлик усули билан текширишга асосланиб, тажриба қуёнлар кўзларининг тешиб ўтган жароҳатлари экспериментал моделида пленкали биоқопламанинг даво самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган. Тажриба ҳайвонлари 3 гуруҳга тақсимланган. 1 –назорат гуруҳидаги 12 та қуёнлар 2 та кичик гуруҳларга тақсимланган. 1-интакт гуруҳда қуёнларнинг соғлом кўзларига пленка қўйилмаган, 2-кичик гуруҳда эса жароҳатланмаган кўрув аъзосига пленка қўйилган. 2-тажриба-назорат гуруҳига 36 та шох пардаси жароҳатланган тажриба ҳайвонлари киритилган, уларнинг кўзларига ҳар куни 1 марта 2 томчидан 0,1% метилен кўки эритмаси 0,9% NaCl да 9 мл суюлтирилиб томизилган. 3- асл-тажриба гуруҳининг 36 та қуёнларига ўрганилган пленкани қўллаш билан даво ўтказилган.

Кузатув 1,3,5, 7, 14 ва 21 суткаларда олиб борилган. Тажриба ҳайвонларининг умумий ҳолати ва локал статуси баҳоланган. Шох парданинг яллиғланиш кўрсаткичларини баҳолаш 3-балли система бўйича ўтказилган (Майчук Ю.Ф., Вахова Е.С., Позднякова В.В. ва бошқ., 2008). Олдинги камеранинг суюқлиги яллиғланиш реакцияси (экссудацияси) баҳоланган (Катаргина Л.А., Бржеский В.В., Гусева М.Р. ва бошқ., 2016). Объектив клиник белгилар аниқланган: кўз тирқишининг торайиши даражаси, ажралмалар миқдори ва характери, томирларнинг перикорнеал ва конъюнктивал инъекцияси, конъюнктива шиши, конъюнктива инфильтрацияси, шох парда ҳолати, шох парда яраланиши.

Шундай қилиб, яллиғланиш белгиларининг оғирлик даражасини тажриба ҳайвонларининг кўзларини ташқи текшириш маълумотларига кўра қиёсий таҳлили, 2-тажриба гуруҳининг кўрсаткичлари билан 3-тажриба гуруҳида яллиғланиш белгиларининг намоён бўлишининг сезиларли даражада пасайганлигинини кўрсатди. 1-назорат гуруҳи ҳайвонларида бутун кузатув даври мобайнида кўзни ташқи текширув маълумотларига кўра, ножўя таъсир кузатилмагани «Novacel Ziyo» қопламаси маҳаллий-шикастлантирувчи ва аллергик таъсир кўрсатмайди деган хулосага келишга имкон берди.

2- тажриба гуруҳининг in vivo натижалари:

1-кунда 2-тажриба гуруҳида шох парданинг тешиб кирган инфекцияланган жароҳатида метилен кўки эритмаси томизилиб (0,1% ли 2 томчидан) БЖИ ўтказилганидан сўнг тажриба ҳайвонларининг умумий ҳолати нисбатан қониқарли бўлди. 1/3 кенгликда меъёрда кўз тирқишининг торайиши кузатилди. Конъюнктивал бўшлиқдан кўп йирингли ажралмалар, яққол намоён бўлган перикорнеал ва конъюнктивал инъекция қайд этилди. Шох пардада соат 4 дан 5 гача параоптик соҳада, лимбдан 3 мм ўтиб ўтказилган чок қўйилган чизиқли шох парда жароҳатида 3 та тугунли чокларда 4х3 мм диаметрда қалин фибриноз-йирингли қоплам, яққол ривожланган шиш ва шох парда стромасининг инфильтрацияси қайд этилган. Олдинги камера ўртача чуқурликда, суюқлигининг яққол намоён бўлган экссудацияси кузатилди (+++), рангдор парда ва гавҳар қалин қоплам ортидан кўринган.Тажриба ҳайвонларининг кўзларини ташқи текшириш маълумотларига кўра, яллиғланиш белгиларининг оғирлиги ўртача кўрсаткичи 17,6±1,62 ташкил этди.

7-кунда тажриба ҳайвонларининг умумий ҳолати нисбатан қониқарли. Блефароспазм камайган. Конъюнктивал бўшлиқдан ўртача шиллиқли- йирингли ажралма бор. Склера томирларининг сезиларсиз инъекцияси. Шох пардада параоптик соҳада шох парда чоклари адаптация қилинган, фибрин қоплами сақланган. Шох парда стромасининг ўртача шиши ва инфильтрацияси кузатилган. Олдинги камера ўртача чуқурликда, суюқлиги опалесценцияси (+++), рангдор парда ва гавҳар қалин қоплам ортидан кўринган. Тажриба ҳайвонларининг кўзларини ташқи текшириш маълумотларига кўра, яллиғланиш белгиларининг оғирлиги ўртача кўрсаткичи 14,3±0,23.

